

МОСКВА ФОНОЛОГИЯ МАКТАБИ ТАЛҚИНИДА ФОНЕМА НАЗАРИЯСИ

РАДЖАБОВ НАСИР НАСИМОВИЧ

Ўзбекистон Республикаси

Жамоат хавфсизлиги университети

Тилларни ўрганиш кафедраси доценти,

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация: Мақола фонема назариясининг Москва фонология мактаби талқинида ўзига хос жиҳатлари таҳлилига бағишланган. Унда мазкур назарияга кўра, товушларнинг фонемик мақомини белгилашда фонемага морфологик нуктаи-назардан ёндашилиши ва бир морфема таркибидаги товуш алмашинувида иштирок этадиган товушларни бир фонеманинг турли вариантлари сифатида талқин қилиниши таъкидланган.

Калит сўзлар: нутқ товуши, фонема, инвариант, вариант, вариация, позиция кўриниши.

Нутқ товуши, фонема, фонеманинг турли позициялардаги вариант ва вариациялари тушунчаларининг ўзига хос хусусиятларини турли тизимли тиллар мисолидаги чоғиштирама тадқиқ қилишнинг аҳамияти шундаки, бундай тадқиқотларда нутқ ва тилга оид энг кичик бирликларнинг фонетик ва фонологик¹ жиҳатлари ёритилиши баробарида, уларнинг фонетик ва фонологик

¹ Nasimovich R. N. Language Interference in Teaching English Diphthongs to Uzbek Learners //International Journal on Integrated Education. – Т. 4. – №. 8. – С. 16-21.; Nasimovich R. N. Quality and quantity reduction //Euro-Asia Conferences. – 2021. – Т. 4. – №. 1. – С. 48-49.; Nasimovich R.N. A simple classification of English unstressed vowel phonological oppositions//Innovative developments and research education. – 2022. – С. 60.; Nasimovich R.N. Ўзбек тилида тил олди унлилар дистрибуцияси //Journal of innovations in scientific and educational research. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 117-120.; Nasimovich, R. N. . (2021). Phonological Oppositions of Unstressed Vowels in The Uzbek Language. *Middle European Scientific Bulletin*, 15. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.15.693>.; Radjabov N.N. Reduction in the English and Uzbek languages // Контактная информация организационного комитета конференции. – С. 73.; Раджабов Н. Н. Ўзбек тилида тил орқа унлилар дистрибуцияси // Science and pedagogy in the modern world: Problems and solutions – 2023. – Т. 1. – №. 1.; Раджабов Н. Н. УЎК (УДК, UDC) 811.111 '342. 41 Инглиз тилида унли фонемаларнинг позиция кўринишлари //Scientific reports of Bukara state university. – С. 114.; Раджабов Н. Н. Фонема тушунчасининг юзага келиш тарихи // Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 305-308.; Раджабов Н. Н. Фонетические особенности безударных гласных в узбекском языке //Вестник Челябинского государственного университета. – 2016. – №. 9 (391). – С. 140-145.; Раджабов Н.Н. Инглиз ва ўзбек тилларида унлилар интерференцияси //Aniq va tabiiy fanlar mundarija.; Раджабов Н.Н. Ўзбек тилида унли фонемаларнинг позиция кўринишлари//Oriental

жиҳатдан мазкур тиллардаги ўзига хос ҳамда ўхшаш жиҳатлари ҳам ойдинлашади.

Фонеманинг яна бир ўзига хос илмий талқини Москва фонология мактаби билан боғлиқдир. XX асрнинг 30-йилларига келиб шаклланган Москва фонология мактаби вакиллари ўзларининг фонемага оид қарашлари билан тилнинг товуш системаси ривожига ўлкан ҳисса қўшдилар. Р.И. Аванесов, А.А. Реформатский, Н.Ф. Яковлев, П.С. Кузнецов, В.Н. Сидоров, М.В. Панов, А.М. Сухотин, С.И. Бернштейн каби тилшунос олимлар Москва фонология мактабининг намояндалари ҳисобланадилар. Бу мактаб назарияси И.А. Бодуэн де Куртенэнинг фонемага морфологик жиҳатдан ёндашиб, фонеманинг лингвистик моҳияти фақат морфема таркибидагина тўлиқ юзага чиқиши мумкин, деган қарашларига асосланади. Маълумки, И.А. Бодуэн де Куртенэ кейинчалик ўзининг морфологик нуктаи-назарини ўзгартириб, фонемага психологик жиҳатдан ёндашади. Фонемага психологик ёндашув И.А. Бодуэн де Куртенэдан кейин ҳам унинг шогирдлари ижодида анча пайт ўзининг таъсирига эга бўлади. Кейинчалик, фонемага доир тадқиқотларда секин-аста фонема психологизм элементларидан холи бўла бошлайди. Ўша даврдаги тилшунослар орасида фонемага психологик элементлардан холи равишда таъриф берган олимлардан бири Николай Феодорович Яковлев эди. У фонемага маъноли бирликларни фарқлашга хизмат қиладиган нутқ оқимидаги энг кичик элементдир, деб таъриф беради². Бу мактаб вакиллари С. Петербург мактаби намояндаларидан фарқли равишда, фонемага таъриф беришда тилнинг энг кичик маънодор бирлиги бўлган морфемага асосланадилар. Жумладан, Р.И. Аванесов ва В.Н. Сидоровлар фонемага “тилдаги морфемаларни фарқлайдиган товуш сифатларидир”, деб таъриф беришади. Улар фонемаларнинг морфемаларни фарқлай оладиган турлари билан бир қаторда, турли фонетик контекстга боғлиқ ҳолда юзага келадиган комбинатор вариантлари ҳам мавжудлигини таъкидлашади³. Москва фонология мактаби назариясига кўра фонемаларни аниқлашда уларнинг позицияси муҳим аҳамият касб этади. А.А. Реформатскийнинг таъкидлашича, позиция фонемаларнинг нутқда қўлланилиши

renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 26. – С. 650-652.; Раджабов Насир Насимович. (2023). С.Петербург фонология мактаби талқинида фонема назарияси. *Journal of New Century Innovations*, 41(2), 260–265. Retrieved from <https://newjournal.org/index.php/new/article/view/9777>; Раджабов, Н. Н. (2023). Ўзбек ва инглиз тилларида акустик жиҳатдан ўхшаш унлиларнинг ўзига хослиги. *Innovative development in educational activities*, 2(19), 253–261. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10016063>

² Яковлев Н. Ф. Математическая формула построения алфавита // Реформатский А. А. Из истории отечественной фонологии. – Москва: Наука, 1970. С. 120.

³ Аванесов Р. И., В. Н. Сидоров. Реформа орфографии в связи с проблемой письменного языка // Реформатский А. А. Из истории отечественной фонологии. – Москва: Наука, 1970. С. 150.

ва намоён бўлишининг асосий шартидир⁴. Позиция фонеманинг қай тарзда ифодаланишига қараб кучли ва кучсиз турларга ажратилади. Фонема учун ўзининг асосий кўринишида намоён бўлишига тўсқинлик қилмайдиган фонетик контекст *кучли позиция*, аксинча, асосий кўринишининг ўзгаришига сабаб бўлувчи фонетик контекст *кучсиз позиция* ҳисобланади. Демак, унли фонема учун урғули ҳолат кучли, урғусиз ҳолат кучсиз позиция; ундош фонемаларда эса уларнинг асосий кўринишлари сақланган ҳолат кучли (масалан, ўзбек тилида ундошларнинг сўз бошида келиши), асосий кўринишлари сақланмаган ҳолат кучсиз (масалан, ўзбек тилида жарангли ундошларнинг сўз охирида жарангсизлашиши) позиция саналади. МФМ назариясида фонеманинг вариацияси ва варианты ўзаро фарқланади. Унга кўра кучсиз позициядаги фонеманинг сифат ва миқдор жиҳатдан қай даражада ўзгаришига қараб, мазкур фонеманинг ё вариацияси, ё варианты юзага келади. Кучсиз позицияда ўзининг фарқланиш белгиларини сақлаган ҳолда у ёки бу даражада ўзгаришга учраган фонеманинг кўриниши *вариация* дейилади. Фонеманинг кучсиз позицияда ўзгаришга учраши туфайли ўзининг фарқланиш белгиларини йўқотган ва натижада бошқа фонемага ўхшаш бўлиб қолган кўриниши *вариант* деб аталади. Бу мактаб таълимотига кўра вариация маъно фарқлаш вазифасига кўра фонеманинг асосий кўринишига тенг бўлиб, бошқа фонемалардан фарқ қилади. Масалан, рус тилидаги /ы/ товуши қаттиқ ундошдан кейин қўлланган /и/ фонемасининг вариацияси сифатида бошқа унли фонемаларга карама-қарши қўйилиши мумкин: мыл-мил-мал-мол-мэл. Вариациялардан фарқли равишда фонема вариантлари бошқа фонемалардан фарқ қиладиган хусусиятларини йўқотади. Яъни, фонетик контекстда юз берган ўзгаришлар натижасида фонема вариантлари бошқа фонемага ўхшаш бўлиб қолади. Масалан, пруд /prut/ сўзидаги /t/ товуши /d/ фонемасининг варианты бўлиб, унда юз берган фонетик ўзгариш туфайли у пруд /prut/ сўзидаги /t/ фонемасига, волы /valı/ сўзида эса урғусиз бўғиндаги /a/ товуши /o/ фонемасининг варианты бўлиб, унда юз берган фонетик ўзгариш натижасида у валы /valı/ сўзидаги /a/ фонемасига ўхшаш бўлиб қолган⁵. Бу мактаб назариясига кўра фонологик оппозициялар кучсиз позицияда нейтрализация қилинади. Масалан, ундошларнинг жарангли-жарангсиз оппозицияси сўз охирида нейтрализацияга учрайди: луг /luk/ - лук /luk/, род /rot/ - рот /rot/ каби. Фонологик оппозицияларнинг нейтрализацияси туфайли икки фонеманинг фарқланиш белгилари бир хил бўлиб қолиши натижасида ҳосил бўлган бирлик *гиперфонема* дейилади. МФМ назариясида тилнинг фонема сатҳи икки кичик сатҳга ажратилади: *фонема сатҳи* ва *гиперфонема сатҳи*⁶. Тилнинг

⁴ Реформатский А. А. Из истории отечественной фонологии. – Москва: Наука, 1970. С. 115.

⁵ Аванесов Р. И., В. Н. Сидоров. Система фонем русского языка // Реформатский А. А. Из истории отечественной фонологии. – Москва: Наука, 1970. С. 252-253.

⁶ Реформатский А.А. Из истории отечественной фонологии. – Москва: Наука, 1970. С. 118.

фонема сатҳида фонемалар якка ҳолда ўзаро фарқланиш белгиларига эга бўладилар. Масалан, рус тилидаги /a/, /o/, /ɪ/, /e/, /u/ фонемалари ўзаро фарқланади ва бу фарқланиш белгилари кучли позицияда сақланиб қолади. Тилнинг гиперфонема сатҳида якка ҳолда фонемаларнинг ўзаро фарқланиш белгилари йўқолиши туфайли улар умумий белгиларга эга бўлган кичик-кичик гуруҳларга бирлашади ва бу кичик гуруҳлар ўзаро фарқланади. Масалан, рус тилидаги унли фонемаларининг ўзаро фарқланиш белгилари кучсиз позицияда йўқолиши натижасида /o/ унлиси /a/ билан (сома /sam'a/, сама/sam'a/), /e/ унлиси эса /ɪ/ билан (леса /lis'a/, лиса /lis'a/) умумий белгиларга эга бўлган кичик-кичик гуруҳларни ташкил қилади ва гиперфонема деб аталадиган бу кичик гуруҳлар ўзаро фарқланиш белгиларига эга бўладилар: a/o – e/ɪ. Шунингдек, a/o ва e/ɪ гиперфонемалари айна пайтда /u/ фонемасидан ҳам фарқ қилади: a/o - e/ɪ - /u/. Бундай вазиятда a/o, e/ɪ ва /u/ фонема сифатида эмас, гиперфонема сифатида намоён бўлади⁷. Демак, гиперфонема нейтрализация ҳолатидаги алоҳида бирлик бўлиб, у нафақат бир нечта фонемалар билан, балки бир фонема билан ҳам чегараланиши мумкин. МФМ да *гиперфонема* деб аталадиган бирлик Прага фонология мактабида *архифонема* деб юритилади. Моҳиятига кўра ўхшаш бўлган бу икки тушунчанинг ўзаро фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Улар ўртасидаги асосий фарқ гиперфонеманинг бир фонема билан ҳам чегараланиши мумкинлигидадир. Юқорида таъкидланганидек, МФМ назариясида фонема сўз ва морфемаларни ҳосил қиладиган ва уларни ўзаро фарқлай оладиган тилнинг минимал бирлиги сифатида таърифланади⁸. Тилнинг мазкур минимал бирлиги якка ҳолда маънога эга бўлмаса-да, уларнинг нутқ оқимида кетма-кет келиши тилнинг маънодор бирликлари бўлган сўз ва морфемаларни юзага келишига, шунингдек, сўз ва морфема таркибидаги маъносиз минимал бирликларни бошқа маъносиз минимал бирликлар билан алмаштирилиши эса сўз ва морфемаларнинг шакли ва маъносини ўзгаришига сабаб бўлади. Масалан, /o/, /n/, /a/ фонемалари алоҳида-алоҳида ҳеч қандай маънога эга бўлмагани ҳолда, уларнинг нутқ оқимида кетма-кет келиши маънодор бирлик бўлган *она* сўз-морфемасини ҳосил қилади. *она* сўз-морфемаси таркибидаги /o/ фонемасини /a/ фонемаси билан алмаштирилиши эса морфеманинг шакли ва маъносини ўзгаришига олиб келади: /ona/-/ana/. Морфема таркибидаги товуш ўзгаришлари асосан икки ҳолатда рўй беради:

а) биринчи ҳолатда морфема таркибидаги товушлар урғуга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгаради. Бунга одатда морфема таркибидаги товушларнинг нутқ талабига кўра бошқа товуш билан алмашиб қўлланилиши (бор, бир, бер,

⁷ Реформатский А.А. Из истории отечественной фонологии. – Москва: Наука, 1970. С. 118.

⁸ Реформатский А.А. Введение в языковедение. – Москва, 1967. С. 251.

бур, бӱр) ёки ёндош товушлар таъсирида ўзгариши (тузсиз /tussiz/) мисол бўлади.

б) иккинчи ҳолатда морфема таркибидаги товушлар урғуга боғлиқ ҳолда ўзгаради. Бунга морфема таркибидаги унлининг сифат ва миқдор белгиси урғу таъсирида ўзгариши мисол бўлади. Юқорида таъкидланганидек, МФМ назариясида урғуга боғлиқ ҳолда унлиларнинг кучли ва кучсиз позицияси фарқланади. Урғули ҳолат унли фонемалар учун кучли, урғусиз ҳолат эса кучсиз позиция саналади. Чунки унли фонемалар урғули ҳолатда ўзининг артикуляцион-акустик хусусиятларини сақлаб қолади. Урғусиз ҳолатда эса унлиларнинг сифат ва миқдор белгилари ўзгаради. Бу омилни айниқса рус ва инглиз тили унлилари мисолида яққол сезиш мумкин. Масалан, рус тилидаги вода /vɔdɐ/ сўзида /o/ унлиси урғусиз ҳолатда ўзининг сифат ва миқдор белгиларининг ўзгариши натижасида /ɐ/ фонемасига тенг келиб қолган. Мазкур ҳолатда вода /vɔdɐ/ сўзининг биринчи бўғинидаги /ɐ/ товушининг фонемалик мақомини белгилашда Москва фонология мактабининг қарашлари С.Петербург фонология мактабининг қарашларидан фарқ қилади. Р.И. Аванесов ва В.Н. Сидоровлар фонеманинг кучли позициясини ҳисобга олиб, вода /vɔdɐ/ сўзининг биринчи бўғинидаги /ɐ/ товушини /o/ фонемасининг фариянти деб ҳисоблайди⁹. С. Петербург фонология мактаби вакиллари эса бу фикрга қўшилмаган ҳолда вода /vɔdɐ/ сўзининг биринчи бўғинидаги /ɐ/ товушини /ɐ/ фонемасининг фариянти деб биладилар. Москва фонология мактаби вакиллари товушларнинг фонемик мақомини белгилашда фонемага морфологик нуқтаи-назардан ёндашадилар ва бир морфема таркибидаги товуш алмашинувида иштирок этувчи товушларни бир фонеманинг турли вариантлари деб талқин қиладилар. Масалан, вода /vɔdɐ/, воды /vodɪ/, воду /vɔdʊ/ морфемаларидаги /ɐ-о-ə/ товушлари бу мактаб назариясига кўра битта фонеманинг, яъни /o/ фонемасининг вариантлари ҳисобланади. С.Петербург ва Москва фонология мактаби назариялари ўртасидаги асосий тафовут фонемаларни аниқлаш қонуниятида, фонемалар позицияси ва нейтрализациясида яққол сезилади.

Демак, МФМ назариясида фонемага морфологик нуқтаи-назардан ёндашилади ва бир морфема таркибидаги товуш алмашинувида иштирок этувчи товушларга бир фонеманинг турли вариантлари сифатида қаралади. Бунда фонема сўз ва морфемаларни ҳосил қиладиган ва уларни ўзаро фарқлай оладиган тилнинг минимал бирлиги саналади. Тилнинг мазкур минимал бирлиги яқка ҳолда маънога эга бўлмаса-да, уларнинг нутқ оқимида кетма-кет келиши тилнинг маънодор birlikлари бўлган сўз ва морфемаларни юзага келишига, шунингдек,

⁹ Аванесов Р. И., В. Н. Сидоров. Система фонем русского языка // Реформатский А.А. Из истории отечественной фонологии. – Москва: Наука, 1970. С. 254.

сўз ва морфема таркибидаги маъносиз минимал бирликларни бошқа маъносиз минимал бирликлар билан алмаштирилиши эса сўз ва морфемаларнинг шакли ва маъносини ўзгаришига сабаб бўлади.

Адабиётлар:

1. Аванесов Р.И., Сидоров В.Н.. Система фонем русского языка // Реформатский А. А. Из истории отечественной фонологии. – Москва: Наука, 1970. С. 252-253.
2. Реформатский А. А. Из истории отечественной фонологии. – Москва: Наука, 1970. С. 115.
3. Реформатский А.А. Введение в языковедение. – Москва, 1967. С. 251.
4. Яковлев Н. Ф. Математическая формула построения алфавита // Реформатский А.А. Из истории отечественной фонологии. – Москва: Наука, 1970. С. 120.
5. Раджабов Н. Н. Ўзбек тилида тил орқа унлилар дистрибуцияси // Science and pedagogy in the modern world: Problems and solutions – 2023. – Т. 1. – №. 1.
6. Раджабов Н. Н. УЎК (УДК, UDC) 811.111 '342. 41 Инглиз тилида унли фонемаларнинг позицион кўринишлари //Scientific reports of Bukara state university. – С. 114.
7. Раджабов Н. Н. Фонема тушунчасининг юзага келиш тарихи // Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 305-308.
8. Раджабов Н. Н. Фонетические особенности безударных гласных в узбекском языке //Вестник Челябинского государственного университета. – 2016. – №. 9 (391). – С. 140-145.
9. Раджабов Н.Н. Инглиз ва ўзбек тилларида унлилар интерференцияси //Aniq va tabiiy fanlar mundarija.
10. Umarova F. The student's personal development as a key to sustainable development //Lifelong Learning: Continuous Education for Sustainable Development: proc. of Int. coop./arr. NA Lobanov; sci. ed. NA Lobanov, VN Skvortsov; LSU na AS Pushkin, Res. Inst. Soc.-Econ. and Ped. Probl. of Lifelong Learn.–SPb.: LSU na AS Pushkin, 2011.–Vol. 9.–656 p. – 2011. – С. 564.
11. Раджабов Н.Н. Ўзбек тилида унли фонемаларнинг позицион кўринишлари//Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 26. – С. 650-652.
12. Раджабов Насир Насимович. (2023). С.Петербург фонология мактаби талқинида фонема назарияси. *Journal of New Century Innovations*, 41(2), 260–265. Retrieved from <https://newjournal.org/index.php/new/article/view/9777>
13. Раджабов, Н. Н. (2023). Ўзбек ва инглиз тилларида акустик жиҳатдан ўхшаш унлиларнинг ўзига хослиги. *Innovative development in educational activities*, 2(19), 253–261. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10016063>
14. Darvishova, G. K. (2023). ШАРЛОТТЕ БРОНТЕ ИЖОД ҚИЛГАН ВИКТОРИЯ ДАВРИ. *Innovative Development in Educational Activities*, 2(19), 238-243.

15. Nasimovich R. N. Quality and quantity reduction //Euro-Asia Conferences. – 2021. – Т. 4. – №. 1. – С. 48-49.
16. Умарова, Ф. З. Обучение учащихся русскоязычных школ использованию в узбекской речи вспомогательных глаголов : специальность 13.00.02 "Теория и методика обучения и воспитания (по областям и уровням образования)" : автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук / Умарова Фарида Зикириллаевна. – Ташкент, 2000. – 27 с. – EDN ZMBEAH.
17. Nasimovich R. N. Language Interference in Teaching English Diphthongs to Uzbek Learners //International Journal on Integrated Education. – Т. 4. – №. 8. – С. 16-21.
18. Nasimovich R.N. A simple classification of English unstressed vowel phonological oppositions//Innovative developments and research education. – 2022. – С. 60.
19. Nasimovich R.N. Ўзбек тилида тил олди унлилар дистрибуцияси //Journal of innovations in scientific and educational research. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 117-120.
20. Nasimovich, R. N. . (2021). Phonological Oppositions of Unstressed Vowels in The Uzbek Language. *Middle European Scientific Bulletin*, 15. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.15.693>.
21. Radjabov N.N. Reduction in the English and Uzbek languages // Контактная информация организационного комитета конференции. – С. 73.
22. Lazokat, I. (2022). Enhancing listening skills with the help of digital Tools. *Thematics Journal of English Language Teaching*, 6(1).
23. Ikanova, L. S. (2019). The impact of materials development, critical pedagogy and lgbt's issue on the language planning and policy. *Вестник педагогики: наука и практика*, (48), 68-70.
24. Латипов, О. (2021). К ВОПРОСУ ОБ ОБУЧЕНИИ ЯЗЫКАМ ПОСРЕДСТВОМ ВЫЯВЛЕНИЯ АНАЛОГИЙ. *АКТУАЛЬНОЕ В ФИЛОЛОГИИ*, 4(4).
25. Латипов, О. (2021). Коннотативный характер наименований диких птиц в русском и узбекском языках. *Scientific journal of the Fergana State University*, (5), 26-26.
26. Дарвишова, Г. К. (2021). THE ISSUES OF WOMEN AND SOCIETY IN THE NOVELS OF CHARLOTTE BRONTE. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 4(4).
27. Ширинова, Н., & Ширинова, Н. (2022). ПОВЫШЕНИЕ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ КУРСАНТОВ ЭКОНОМИЧЕСКОГО НАПРАВЛЕНИЯ НА УРОКАХ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 744-746.
28. Tulkin, S., Nargiza, S., & Nilufar, S. (2022). ANALYSIS OF THE TRANSLATION OF ZAHIRIDDIN BABURS POEMS. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES*, 3(02), 42-48.